

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И

2021 йил февраль ойининг 19 куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати видеоконференцалоқа режимида ўтказилган очик суд мажлисида

Раислик этувчи - судья *****,

Ҳайъат аъзолари: судьялар ***** ва *****дан иборат таркибда, *****нинг котиблигида, даъвогар ***** ва унинг вакили *****, жавобгар Акциядорлик тижорат банки “Халқ банк” ***** филиали бошқарувчиси *****ларнинг иштирокида, даъвогар *****нинг жавобгар Акциядорлик тижорат банки “Халқ банк” ***** филиалига нисбатан ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди кассация инстанциясининг 2020 йил 17 декабрдаги ажримига нисбатан даъвогар *****нинг келтирган назорат (кассация) тартибидаги шикоят фуқаролик иши билан бирга кўриб чиқилганда, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И :

Даъвогар ***** жавобгар Акциядорлик тижорат банки “Халқ банк” ***** филиалига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда филиалнинг 2020 йил 11 августдаги 88-жк-сонли буйруғини бекор қилиб, ўзини ишга қайта тиклашни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг 2020 йил 20 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, *****нинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди кассация инстанциясининг 2020 йил 17 декабрдаги ажрими билан суд қарори бекор қилинган ва *****нинг даъво талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Даъвогар ***** мазкур суд қарори устидан назорат (кассация) тартибида келтирган шикоятда кассация инстанциясининг ажримини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига 2021 йил 13 январдан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан, ушбу кодекснинг 403, 404-моддаларига мувофиқ судлов ҳайъатининг ўз жойидаги ажрими асосида даъвогар ***** томонидан келтирилган назорат шикоти кассация шикоти сифатида кассация инстанциясида кўриб чиқилди.

Судлов ҳайъати иш бўйича маърузани, тарафлар ва уларнинг вакилларининг тушунтиришини тинглаб, шикоятда келтирилган вазиятни иш ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра шикоятни рад этишни лозим топди.

Иш бўйича аниқланган ҳолатларга қараганда, ***** 2018 йил 30 августдан Акциядорлик тижорат банки “Халқ банк” ***** филиалида сайёр касса бухгалтер назоратчиси вазифасида ишлаб келган.

Даъвогар ***** филиалда ушбу вазифани бажариб келиб, 2020 йил 11 август куни филиал бошқарувчиси номига ўз ташаббуси билан шу кундан бошлаб меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризаси билан мурожаат қилган.

Даъвогар ***** билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг 2020 йил 11 августдаги 88-жк-сонли буйруғи билан *****нинг аризаси ва амалдаги Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 99-моддасига кўра, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Даъвогар ***** 2020 йил 13 август куни кадрлар бўлимига бориб, меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхасинини ва ўзига тегишли бўлган меҳнат дафтарчасини олиб кетган ва шу кундан бошлаб ишга чиқмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартига солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 12-сонли Қарорининг 15-бандига кўра, ходим ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги низоларни кўришда судлар ходим ўз ташаббуси билан номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳамда муддатли меҳнат шартномасини тугашидан икки ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириб (МК 99-моддаси), бекор қилишга ҳақли эканлигини эътиборга олишлари лозим. Меҳнат шартномасини бекор қилишга ходим шу корхонадаги ишни ҳақиқатда ташлаб кетиш истагини билдирган ёзма аризасига биноан йўл қўйилади. Судлар даъвогарнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида берганлиги тўғрисидаги вазиятини синчковлик билан текширмоқлари лозим. Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббусига кўра икки ҳафталик огоҳлантириш муддати тугагунга қадар ҳам иш берувчи билан ходимнинг келишувига кўра бекор қилиниши мумкин.

Аризани бериш санаси уни иш берувчига (корхона бошлиғига, бошлик муовинига, қабулхона котибига, кадрлар бўлимига, девонхонага ва б.) топширган кун ҳисобланади, огоҳлантириш муддати эса кейинги кундан бошланади. Қонунда белгиланган ёки ходим ва иш берувчи келишувига кўра қисқартирилган огоҳлантириш муддати давомида ходим меҳнат шартномаси тугатилганлиги ҳақида буйруқ чиқарилган бўлишидан катъи назар, аризасини қайтариб олишга ҳақли.

Ушбу келтирилган қонун нормаси ва Пленум қарори тушунтиришларига асосан ходим икки ҳафталик муддатни кутмасдан, меҳнат муносабатларини у кўрсатган муддатда бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга, бунга иш берувчи розилик билдирса ходимнинг аризасида кўрсатилган муддатда меҳнат шартномаси бекор қилиниши лозим.

Даъвогар *****нинг аризасида эса у муайян муддатда, яъни ариза ёзган кун, яъни қонунда белгиланган ёки ундан ҳам кам бўлган огоҳлантириш муддати кўрсатилмасдан у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш сўралган ва бу билан аризасини қайтариб олиш вақти чегирилиб, уни қайтариб олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган.

Шунингдек, даъвогар *****нинг аризани таъзиқ ва босим ўтказилганлиги оқибатида ёзганлиги ҳақидаги важи ҳам исботланмаган, чунки ушбу ҳолатни исботлаш даъвогарга юклатилган бўлиб, унга босим ўтказилганлиги ўз тасдиғини топмаган, бу эса меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида келишув кучда қолган деб ҳисоблашга асос бўлади, зеро мажбурлашнинг мавжудлигига оид далиллар бўлмаган ҳолда буйруқни ғайриқонуний деб топиш мумкин эмас.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 72-моддасига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Бундан ташқари, *****нинг 2020 йил 11 августдан бошлаб ишга чиқмаганлиги, шу кундан эътиборан меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини билганлиги ҳам меҳнат шартномаси розилигига асосан бекор қилинганлиги кўрсатади.

Кассация инстанцияси меҳнатга оид қонун ҳужжатлари талаблари ва аниқланган иш ҳолатларидан келиб чиқиб, даъвогар *****нинг ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризасига кўра тарафлар ўртасида тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан қонуний асосларга кўра бекор қилинган, бошқа ҳолатда эса даъвогарни ишга тиклаш асослари мавжуд эмас деб даъвони рад қилиш ҳақида қонуний ва асосли хулосага келган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати шикоятда келтирилган важлар қонуний ва асосли чиқарилган суд қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўла олмайди, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 419-моддаси 1-бандига кўра, кассация инстанцияси суди ишни кассация тартибида кўриб чиққанда ҳал қилув қарорини, ажримни ёки қарорни

Ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса каноатлантормасдан қолдиришга ҳақли.

Шу сабабли судлов ҳайъати мазкур иш юзасидан қабул қилинган суд қарорини ўзгаришсиз қолдириб, назорат (кассация) тартибидаги шикоятни каноатлантормасдан қолдиришни лозим топди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 132-моддаси 4-қисмига асосан Акциядорлик тижорат банки “Халқ банк” ***** филиали ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ 61.250 сўм суд харажатлари ундирилиши лозимдир.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 417, 419-моддаларини қўлланиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Мазкур фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди кассация инстанциясининг 2020 йил 17 декабрдаги ажрими ўзгаришсиз қолдирилсин.

Даъвогар *****нинг назорат (кассация) тартибидаги шикояти каноатлантилмасдан қолдирилсин.

Жавобгар Акциядорлик тижорат банки “Халқ банк” ***** филиали ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ тўлов сифатида 61.250 сўм ундирилсин.

Раислик этувчи

Ҳайъат аъзолари
